19:45 "Оналих баҳт" күрсатуви
19:50 "Хафта спорты"
20:00 "Ижад лаззаты"
20:25 "Элдайсизм" күрсатуви
20:40 "Форум хабарлары"
21:00 "Дайыр ширин" мүсий-күннама дастуры
22:30 "Аломат" б/ф
01:00 Тунги кинозал: "Қактус" б/ф

ТВ-дастуулар «Садо» МЧЖ томонидан тақдым этилди.



MS-DOS - 30 ЙИЛ

Microsoft корпорацияси томонидан ишлаб чиқарылган MS-DOS амалиёт тизимига 30 йил түлди. Бу ўтган даврда MS-DOSнинг 8та йирик, 20га яқин оралық шакллари дунё үзини күрді.

Сүнгги – 8.0 индексли релиз 2000 йыл сентябр ойда табтиқ этилғанды. Шундай сүнг фойдаланувчыға фақаттана команда қатори интерфейсini таклиф этиувчи MS-DOS амалиёт тизимини ривожлантири тұтхатылды, бироқ DOS ү ёки бу шаклда ҳамон ишлатылмоқда.

MS-DOS фақат матнлы үйрекномалар билан ишлә-

ган, буған оммалашып кетген график интерфейс бу тизим-да мавжуд эмес эди.


Шунни ҳам айтиш керакки, MS-DOS ягона эмас, у шо оиласа мансуб тизимлардан бири эди. Бу каби маңсулоттар IBM (PC-DOS), Digital Research (DR DOS) компаниялары томонидан ҳам ишлаб чиқарылған.

Шуниси ҳам борки, MS-

DOS Microsoftting ўз ишланмаси эмас. У аслида Intel 8086 процессорлари учун мүлжалланған бўлиб, 86-DOS дея номланган, 1981 йыл 27 июляда Seattle Computer Products компаниясидан харид қилинға, номи ўзgartирилди ва IBM шахсий компьютерларига ўрнатыла бошланди. Бунтага Microsoft Basic тилида яратылган ишланмаларини сотища муваффакиятсизликка учраганди.

Windowshing 3.11 гача бўлган илк шакллари учун айнан MS-DOS асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчи үлчам мұаммоси



3D-видеони томоша қилиш нега нокулайлик түгдіради? Samsung компанияси буюртмаси асосида тадқиқот үтказған Калифорния университети олимлари бунинг тагига етишиди.

Маълум бўлишича, уч үлчамли видеони томоша қилиши анъанавий иккى үлчамли видеони томоша қилишга қараганда кўриш органларини кўпроқ зўриқтириб, умумий чарчашни келтириб чиқаради.

Синовда қатнашаштганларга 2D ва 3D-видео фокуснинг турли нуқталариди (экран юзаси ак эттан) ва вергентлик (кўз фокус олувчи тасвир жойи) масофаларига қараб намойиш этилди. Ҳажмдор, яны уч үлчамли видеода вергентлик масофаларини 3D-эффектти кузатышишини (ё экран олдиди ё экран ортида) аниқлади.

Вергент нуқталари узоқ масофадаги экран ортида то-пилганды томошибинларда зўриқиши кучайган. Шу ҳолат уч үлчамли видеони яқин масофа, вергент нуқталарини

экран олдиди кузатгандарда ҳам кузаттилди.

Олимлар синовда қатнашган, турли масофада ва турли үлчамдаги лавҳаларни томоша қилган 24 нафар кўнтиллидан ўзларидан рўй берган кўз чарчаши, бўйин оғришини баҳолашни сўрашди.

Аниқланишича, уч үлчамли видеотасвир кўзини кўпроқ зўриқтириган, чарчашга шунингдек, қабул қилиш тиниклариги пасайышига сабабчи бўлган. Экран "чукурлиги" ва 3D-тасвир "чукурлиги" ўтасидаги номутаносиблик ҳам муаммолар сабабчиси, қолаверса, тасвир чукурлиги ва томошибининг экранга яқин ўтириши ўтасидаги боғлиқлик ҳам кўзин чарчашиши маълум бўлди.

3D-экрангача масофа яқин

бўлганда (масалан, чўнтақ компьютери ёки смартфонларда) экран тепасида кўринган тасвирни томоша қилиш экран ортидан кўринган тасвирга қараганда нокулайлик түгдирди.

Кинозалларда эса бунинг акси кузаттили: экран юзасидаги тасвирларни кўриш экран ортидаги тасвирларга қараганда қулайроқ.

Хулоса қилинганда, олимлар ҳали бундай тадқиқотларни кўплаб ўтказиш лозимигини, шундагина керакли тиббий тасвиялар ишлаб чиқиш, турли 3D-тизимлар – чўнтақ кўрималари, телевизор ва кинотеатрлардаги кўрималарни мослаштириш мумкинлигини айттишти.

АТ-хабарлар

• Танаффусиз узоқ вақт Xbox курилмасида Halo видео ўйинини ўйнаш британиялик 20 ёшли йигитнинг умрига зомин бўлди.

Тибий текширув Кристиан Стенифорднинг ўлимига чукур вена томирларидаги тромбоз (қоннинг куюқлашиши) сабабчи бўлганини кўрсатди.

Мархумнинг отаси Xbox ишлаб чиқарувчиларни айбламаган, бироқ барчани компютер ўйинларини иложи борича камроқ ўйнашга чақирган.

• Жанубий Корея тарихида энг йирик хакерлик хужуми содир этилди: 35 млн.дан ортиқ фойдаланувчи (мамлакат аҳолисининг 70 фоизи)нинг шахсий маълумотлари ўғирланган. Бу маълумотлар сирасига исмарифлар, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари киради.

Коммуникациялар бўйича комиссиянинг маълумот беришча, мамлакатдаги энг йирик мобил оператор – SK Communications қарашли ресурслар: Nate портала ва Cyworld ижтимоий тармоғига хакерлар суқилиб кириштаган. Ҳужум Хитойдаги IP-манзиллардан ўшиштирилган бўлса-да, расмий Сеул Шимолий Конгрядан гумонсирайтипи.

• Microsoft компанияси ва Виржиния университети (АҚШ) эксперлари биноларни "дата-печ" – компьютер серверлари ва кичик дата-центрлардан чиқадиган иссиқлик ёрдамида иситишни таклиф қилишмоқда.

Уларнинг ҳисоблашибча, 40тадан 400тагача процесорлардан фойдаланувчи маълумотларни ишлаш марказининг куввати қиши фаслида битта кўп қаватли ўйни иситишга бемалол етаркан. Ёзда эса бу энергиядан сувни иситишга фойдаланиш мумкинлиги ҳам эътироф этилган.

• Google компанияси янги технологияни йўлга кўйди, у қидирив тизимига ҳатто антивирус ўрнатилмаган бўлса ҳам фойдаланувчининг компютерида вируслар бор-йўқлигини аниқлашда ёрдам беради.

Бу билан компания фойдаланувчиларга ҳеч қандай антивирус дастурларини таклиф этмоқи эмас, шунчаки вируслардан заарланиши эҳтимолидан огоҳ қиласи.

• Schneider Electric ва Cisco компаниялари биноларда энергия сарфи назорати ва бошқарувини таъминлайдиган инновацион интеллектуал ишламанга устиди изланиш олиб боряпти. Агар лойиҳа муваффакиятли амалга ошса, келгусида бино этаглари, компания раҳбарлари, меъморлар, курувчилар ва IT-менежерлар иншоотларнинг энергия сарфини оптималлаштиришлари ва тежамкорликка эришишлари мумкин бўлади.

• Япониянинг Panasonic компанияси чорак кўрсаткичларининг рекорд даражадаги зарар: 30,4 млрд. иен ёки 389 млн. доллар камомад билан якунлади. Бунга мамлакат шимоли-шарқида юз берган зилзила оқибати савдо кўрсаткичларининг пасайиб кеттанигти важ килинмоқда.

Шу боис фойда келтирмаётган совутчилар ва кирюиш машиналари ишлаб чиқариш бўлинмаси хитойлик рақобатчи – Haier компаниясига сотиладиган бўлди.

• Google компанияси International Business Machines (IBM)нинг қатор технологик ечимлари патентларини сотиб оладиган бўлди. Бундан мақсад – кейинги пайтларда патент бўйича қаторасига ёғилаётган "даъволар ёмғири"дан кутилишидир.

Июл ойи ўрталарида ҳам Google 1000тагача патентни ўзиники қилиб олганини маълум қиласи.

• Apple масофада сақлаш сервисини расман ишга тушириш арафасида www.icloud.com порталини йўлга кўйди. Сайтга кириб сервис қандай ишламиши ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш мумкин.

Сервисда веб-почта, боғланишлар менежери, тақвим, Find My iPhone асбоблари, шунингдек, iWork хужжатларни сақлаш бўлимлари мавжуд.

ТШТТ: Ривожланиш йўлида

Бугунги тараққиёт даврида ҳәётимизни телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, истаймизми йўқми, ушбу хизмат турига ҳар даққида мурожаат қилишга маҳбурмиз. Кейнинг йилларда замонавий алоқа хизмати тури сафига уяли алоқа тармоғининг ҳам келиб қўшилиши соҳада кенг рақобатчилик муҳитини яратди.

Ушбу соғлом рақобат "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали жамоасини тармоқ фаолиятини янада яхшилаш, хизмат кўрсатиш кўламини кентайтириши ҳамда сифатини оширишга даъват қилмоқда ва бу ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Хозирги кунда тармоқда 90ta ЭАТС ва кўчма концентраторлар хизмат кўрсатмоқда. Барча АТСларнинг умумий куввати 658,3 минта рақамни, фойдаланиши көфициенти — 90,7 фойзни ташкил этти. Айни пайтада филиал тармоғида кўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи мижозлар сони 219803 нафарни ва фойдаланилаётган кўшимча хизмат турлари сони 326541тани ташкил этди. 2011 йилнинг олти ойи ичida 5729та телефон ўрнатилди. Шулардан 2844таси аҳоли хиссасига тўғри келади.

Янги FTTB технологиясини татбик этиш йўналишида Тошкент шаҳридаги 124та обьектга оптик бокслар ўрнатилган бўлиб, ҳозирда 461ta обьектга 72км оптик толали алоқа кабели ётқизилди ва 143та обьект электр таъминотига уланниб, унга 707 нафар абонент уланган.

ADSL портларининг умумий сони 16588та бўлиб, маълумот узатиш тармоғи ва интернетдан фойдаланаётган мижозлар сони 9146 нафарни ташкил этди.

Филиалда замонавий "Call-centre" хизмати ташкил этилиб, маълумот-ахборот хизматида маълумотлар қамрови кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда "Call-centre" томонидан "МТС", "Перфектум Мобайл", "Бўйтон" ва "Юнител" кўшма корхоналари билан шартномалар тузилиб, уларнинг мижозларига ҳам хизмат кўрсатилмоқда.

Ушбу йилдан бошлаб Марказий ва Мирзо Улубек телефон боғламаларида мижозларга қарздорликлари тўғрисида хабар бериши хизмати йўлга қўйилди. Ҳозирда бутун тармоқ бўйича мазкур хизматни жорий этиш юзасидан ишлар олиб борилаёт. Мазкур ишларнинг самараси натижасида 2009 йилнинг сентябр ойидан бошлаб филиал ISO 9001:2008 ҳалқаро стандарти таълабларига мос келишини тасдиқловчи сертификатга эга бўлди ва бу муҳим воқеа хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириши, соҳада менежмент тизимини такомилластиришига пухта замин яратди.

"ТШТТ" филиали жамоаси томонидан амалга оширилаётган бу ишлар ўз-ўзидан бўлмаяти, албатта. Бу ерда катта салоҳиятта эга мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Айни чорда 2965 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 25 нафари маъсумий ишчилардир. Филиалда ишчи-ходимлар малакаси доимий равишда ошириб борилади.

Утган йиллар давомида филиал раҳ-

бар ва мутахассислари ҳамда ишчи-ларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузиридаги Давлат ва жамият курилиши академияси, мазкур академия қошидаги Олий бизнес мактаби ва Корпоратив бошқарув маркази, "Бизнес ва персонални ривожлантириши маркази" қошидаги ўқув курслари, Фуқаролар муҳофазаси институти ўқув маркази, Кореянинг Сеул эксперталар ўқув курси,



Пойтахт

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига сифатли

Москва шаҳридаги "Инверсон технологиес" ўқув курсларида иштирок этиши ва кўплаб ходимларнинг бошқа ўнлаб ўқув марказларидаги билим-малакасини оширганлиги фикримиз далилидир.

"ТШТТ" филиали тасарруфидаги "Алоқачи" ва "Нилуфар" болалар соғломластириш оромгоҳларида мавсум бошидан бери жами 2131 бола дам олди, улардан 1097 нафари филиал ходимларининг фарзандларидир.

Болажонлар ушбу оромгоҳлarda бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун компьютер хонаси, бисер тўқиши, расм чизиши тўғараклари, 5000 жамғармага эга бўйган кутубхонадан фойдаланишмоқда. Мустақиллик шароғати билан Тошкент вилояти Паркент туманида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик мазкур болалар соғломластириш оромгоҳларини гўшт ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Ёшлигарга эътибор — келажакка эътибор. Шуни хисобга олган филиал маъмурияти ТАТУ ҳамда соҳага мутахассислар етказиб берувчи коллежлар талабаларининг амалиёт ўташларига шароит яратиб бериш, уларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, Тошкент алоқа касб-хунар ва Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиалига бириктирилган.

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи 1060 нафар битирувчиси билан уч томонламида ва корхоналарда ишлаб чиқариши амалиётини ўташ бўйича 985 нафар талаба билан икки томонламида шартномалар имзоланган ва улар тўлиқ баражилмоқда.

2011 йилда бириктирилган касб-хунар коллежларининг 35 нафар битирувчиси филиалга ишга қабул қилинган.

Филиалда аҳолига сифатли телефон хизмати кўрсатиш борасидаги изланишлар давом этмоқда.

Хозиргача "Call-centre" чақиривлар хизмати маркази томонидан 7 млн. 526 минг 760 нафар сўровчига "Табрикнома", 22739 мижозга "Тунги эртаклар", 84 мижозга "Таомномалар", 7545 мижозга эса "Mobi Tel" МЧЖ кўнгилочар портали хизмати кўрсатилмоқда. Шунингдек, бутунги кунда "Call-centre" томонидан "Телеголосование" хизмати ҳам жорий этилган.

Тошкент почтами:

Хозирги кунда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Тошкент почтами" филиалига қарашли 4та туманлараро почта алоқаси тармоғи, 160та алоқа бўлимида 1700 нафардан ортиқ почта ходимлари пойтахт аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 143 нафари олий маълумотли, 493 нафари ўтга маҳсус маълумотга эга мутахассислардир.

Энг қувонарлиси, ходимларнинг 550 нафари ўттизга тўлмаган ёшлар, 350га яқини 30-40 ёшгача, 445 киши эса 40-50 ёшни мутахассислар ҳисобланади.

Пойтахт почта ходимлари аҳолига газета, журнал, хат-хабарлар тарқатиш билан бирга, 250 мингдан зиёд пенсионерларга нафақа пулларини тарқатиб келмоқда. 700 нафардан зиёд почтачиларнинг асосий вазифаларидан бири ушбу пенсия пулларини кекса отаҳон ва онахонларимизга ўз вақтида, уйма-уй етказиб беришдан иборат.

Тошкент шаҳри аҳолиси даврий нашрларга обуна бўлиш, газета ва журналларни ўз вақтида олишга ўрганиб қолишиган. Шунинг учун ҳам 2011 йилда Тошкент шаҳри аҳолиси ҳамда корхона ва ташкилотлар ходимлари 120 мингдан зиёд газета, 45 мингдан зиёд журнallарга обуна бўлишган.

160ta алоқа бўлимида ҳам қунданлик газета ва журнallарни харид қилиш мумкин. Ўтган ярим йил давомида ушбу чақана савдо йўли билан 60 мингдан зиёд газета, 20 мингдан ортиқ журнал сотилиди.

2005 йилнинг охирида электрон пул ўтказиш хизмати 10ta алоқа бўлимида ташкил этилган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 93тага кўпайди. Бу хизматта Тошкент почтами ва 93ta алоқа бўлими уланган. Ушбу кулагай ва тезкор пул ўтказиш ва қабул қилиш хизматидан минглаб аҳоли ва шаҳримиз меҳмонлари фойдаланишмоқда.

Ҳар бир алоқа бўлимида хатжилд, открытка, китоб, плакат, лотерея билетлари ва ҳоказоларни харид қилиш мумкин.



ЭМММ: Янги ютуқлар сари

Симсиз алоқанинг жадал суръатларда тараққий этаётгани радиочастоталар спектрининг аҳамиятини тобора оширмоқда. Агар 1992 йили мамлакатимизда 18 мингдан ортиқ радиоэлектрон воситалардан фойдаланилган бўлса, ҳозирги кунда мобил алоқадан фойдаланувчиларнинг ўзи 24 миллиондан ошиди.

нафардан ортиқ ходимнинг иш ўрни энг замонавий техника ва дастурий маҳсулотлар билан таъминланган.

Бугунги кунда радиомониторинг тизими радиоэлектрон воситалар эксплуатацияси ва радиочастота спектридан фойдаланишни назорат қилинча асосий техник восита вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон миллий радиомониторинг тизими технологияни даражаси ва тизими ваифаларни автоматлаштирилган ҳолда еча олиш имконияти билан Мустақил давлатлар ҳамдустлиги ичидагона ҳисобланади.

Фаолиятда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш корхона ва унинг вилоятлардаги филиаллари зиммасига юқлатилган вазифаларни тез ва сифатли бажариш имконини бермоқда. Тезкор ахборот алмашибни йўлга кўйиши мақсадида юқори тезликдаги корпоратив тармоқ ишга туширилган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг сайёр лойиҳасига мувофиқ марказда электрон хужжат айланиси тизими жорий этилган.

ЭМММ ходимлари Ҳалқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ) ва худудий алоқа ташкилотлари томонидан ўтказиладиган семинарлар, конференция, симпозиум ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

ЭМММ фаолияти ва ютуқларининг асоси, ҳал қиливчи бўғини малакали кадрлар ҳисобланади. Шу сабабдан доимий равишда уларнинг касб маҳоратини ошириб боришига жиддий этибор қаратилиди. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академиясининг Олий бизнес мактаби, Олий бизнес мактаби қошидаги корпоратив бошқарув маркази, Тошкент ахборот технологиялари университети, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-куватлаш марказлари билан ҳамкорлик йўлга кўйилган.

Марказда ёш мутахассисларни ишга жалб қилиш яхши анъанага айланган. Ҳар йили Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаган ўшлар танлов асосида корхонага ишга таклиф этилади.

Ходимларнинг ишдан бўш вақтларида яхши ҳордик чиқарилари иш самародорлигини оширишга хизмат қилиши табиий. Бўстонлиқ туманинг сўлим қишлоғи — Оқтош ҳудудида Электромагнит мослашув марказининг дам олиш маскани жойлашган. Мазкур маскан жорий йилда тўлиқ фойдаланишга топширилди ва мавсумда бу ерда нафақат корхона, балки алоқа соҳасининг бошқа ташкилотлари ходимлари ҳам ҳордик чиқарип, соғлиқларини тикламоқдалар.


Марказ биносида жойлашган спорт зали барча спорт анжомлари, тренажерлар билан таъминланган бўлиб, ходимларнинг спорт билан мунтазам шугулланишларига имкон беради. Корхона ходимлари Агентлик тизимида ўтказилиб келинаётган турли спорт мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Марказ жамоаси мустақил диёризм равнаксига ўз ҳиссасини кўшиш учун янги ютуқлар сари одимлашда давом этади.

алоқачилари

алоқа хизмати кўрсатиш йўлида меҳнат қилишмоқда

хизматидан эл мамнун



Алоқа бўлимларида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида барча коммунал тўловлари (сув, газ, телефон, иссиқ сув ва бошқалар) қабул қилиш йўлга кўйилган.

Ҳар бир алоқа бўлимидаги хатжилд, открытка, китоб, плақат, лотерея билетлари ва ҳоказоларни харид қилиш мумкин. Шунингдек, исталган киши учун ўзи ва шахсий автомашиналарни суурита қилиш имконияти яратилган.

Аҳолига турли тўловлар хужжатларини етказиш бўйича курерлик хизмати, интернет ва бошқа хизматлар ҳам йўлга кўйилганки, шаҳримиз аҳолиси бу хизматдан самарали фойдаланиб келмоқда. Барча тўловлар накд пул ёки пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида алоқа тармоқларида бўш хоналар ижарага берилди. Ушбу хоналарда почта хизмати учун жўнатма қопларини тикиш, касаначилик ташкил этилган.

Электромагнит мослашув марказининг техник қуролланиши барча йўналишларда олиб борилганлиги мижозлар ва радиочастота органлари билан ишланиш сифатини янги босқичга кўтарди. Корхонада ISO 9001:2008 ҳалқаро стандарти талабларига жавоб берадиган Сифат бошқарув тизимиning жорий этилиши ва Швейцариянинг "SGS Tashkent Ltd" органи вакиллари томонидан берилган сертификат бунинг ёрқин далилидир.

Илм кўкка этади

Хозирги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар дунёни умумий маконга айлантирипти. Бинобарин, эндиликда хорижда кечеётган ҳодисаларга бепарво қараб бўлмайди. Жаҳон теварак атрофида юз берадиган воқеаларга аҳамиятсиз қараган миллат, Юртбошимиз таъбири билан айтадиган бўлсан, тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетган ҳисобланади.

Ана шу ҳикматли фояга амал қилиб келдиган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида ўзига хос ўқитиш дастури мавжуд. Бунда талаба кундаклик хорижий воқеалардан боҳабар бўлган ҳолда интернет сайтилари орқали дунё янгиликларини ҳам ўзлаштириб олади.

Ахборот технологиялари асри

— Бир нарсани таъкидлашни истардим, — дейди филиал директори Олийбек Тургунов. — Талабаларимиз замонавий ахборот технологияларидан, хусусан, компютердан мақсадга мувофиқ фойдаланишлари лозим. Биз ушбу мавзууда нафқат назарий билимларга, қолверса, илмий-амалий анжуманларга ҳам кенг ўрин берамиз. Зотан, XXI аср — ахборот технологиялари асри.

Дарҳақиқат, филиалда ахборот технологияларига оид турли мавзуларда тадбирлар ташкил этилди. Салилари, аникроғи, шу йил 27 апрел куни ўтказилган "Ахборот технологиялари соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш: муаммолар, счимлар ва таклифлар" мавzuудаги илмий-амалий семинар баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтиб, ўкув маскани ўқитувчи ва талабаларида илик таассурот қолдирди. Филиалда нафқат ахборот технологиялари, балки ижтимоий гуманитар, табиий ва аниқ фанлар доирасида ҳам, ҳозирги замонда кечеётган янгиликлар нуқтаи назаридан, турли даражадаги тадбирлар ўтказилади. Шу



маънода, май ойида "Замонавий математиканинг долзарб муаммолари" Республика илмий анжумани бўлиб ўтди. Унда асосан Ўзбекистонда замонавий математиканинг бугунги ҳолати, унинг ахборот технологияларига оид жиҳатлари ҳақида фикрлар айтилди. Бу борада "Замонавий олий математика" номли иккι томли китоб хусусида мунозаралар бўлди. Китоб муалифларидан бири, доцент Эшпӯлат Алиқуловнинг айтишича, математикасиз талабалар истиқболини, қолаверса, ижтимоий турмушни ҳамдажамият тарққиётини тасаввур этиб бўлмайди.

Озодликнинг олтин тұхфасы

Ўкув масканида ўз билими, салоҳияти, одоб-ахлоқи билан барчага ўннар бўладиган талабалар кўпчиликни ташкил этади. Модомики, гап иқтидори ёшлар хусусида бораётган экан, шу ўринда 1 июлдан 15 августгача давом этадиган "Мустақиллик

иyllарида ижтисодий ўзгаришлар са-мараси" мавзусидаги тадбирда асосан ёшлар иштирок этишини таъкидлаш жоиз. Аникроғи, филиалнинг ижти-дорли талабаларидан иборат махсус тарифот-ташвиқот гурухи ташкил этилиб, жойларда ижтимоий-ижтисо-дий, маънавий-маъри-фий, ҳукуқий мавзудаги тадбирлар ушшоқлик билан ўтказилади.

— Талабаларимиз ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллаларда, шунингдек, ёзги дам олиши оромгоҳларда мустақиллигимизнинг нақадар буюклиги ва аҳамияти хусусида ўзлари англаганчалик ташвиқот этияптилар, — дейди филиал директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулшан Худоёрова. — Йил давомида "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганишга оид тадбирлар, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Конунчилик палатасининг кўшма мажлислидаги маърузаси, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш бораёсига бир қатор тадбирлар ўтказдик. "Сен буюксан, муқаддас Ватан!", "Ватаним, кутлуг тўйинг муборак!", "Озодликнинг олтин тұхфаси" сингари бир қатор анжуманлар, маънавий маърифий кечалар ёшларга маъқул бўлди.

— Шу ўринда ўғил-қизларимиз Ватан, Она юрт шаъни, қадр-қиммати сингари мүқаддас тушунчалар хусусида ҳам атрофлича фикр билдиришлари кишини тўлқинлантиради, — дейди Ўзбекистон тарихи фани ўқитувчиси Комил Султонов сұхбатимизга кўр олиб кирад экан. — Улар бизнинг эртамиз, келажагимиз ва ёрқин умидимиздир. Зоро, ўзлники

англеш бораёсига фарзандларимиздан катта масъулият талаб этилади.

Миллий ўзликни англеш, талабаларда маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларга нисбатан эҳтиром туйғусини ўйготиш бораёсига амалий ишлар олиб борилади. Илм даргоҳида йил давомида маҳаллий шоир-ёзувчilar ҳамда санъаткорлар билан учрашувлар, кечалар ташкил этилади. Миллий қадриятимизнинг бир бўлгаги сифатида уошибирлаётган ҳашарлар кўпчиликда яхши таассурот қолдиряди.

Янгиликлар шиддати

— Наврўзолди ҳашарларидаги экинтикиншарини қилиб, филиалимиз теварак-атрофини обод қилиш, тозалигини сақлаш учун ҳаракат килган эдик, — дейди филиал директори ўринбосари Муслимбек Муродов. — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арасида ҳам ушбу тадбирлар давом этияпти.

Бундан ташкири, филиал ҳудуди, майдон ва йўлаклар ҳамда спорт ўйнингхлари тартибга келтирилди. Талабалар тураржойи ташки қисми таъмирланди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигини акоэтириувчи баннерлар тайёрланди. Ҳар сеншана куни ўтказиладиган интилишида байрамга тайёргарлик ишлари муҳокама қилинади.

Талаба-ёшлар томонидан алмалга оширилган илмий ишлар, ихтиrolар келгусида жамият тараққиёти учун муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ. Буни биргина филиалнинг телекоммуникация лабораторияси хонасида шиддат билан кечеётган изланишлардан, илмий ишлардан англеш мумкин. Ҳа, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида ёшлар истиқболи учун амалга ошириладиган тадбирлар, талабалар томонидан ўзлаштирилайдиган илм — эртага уларни бундан-да порлоқ келажак сари бошлайди, кўкка этади.

Шоҳисламбек МУСАЕВ

Навбатдаги босқич якунланди

"Билайн" ("Юнител" МЧЖ ва "Бузтон" КК) GSM ва 3G тармоқларини модернизациялашнинг кенг миқёсли босқичи якунланганлигини ўзлонди.

«Компаниямиз қисқа вақт ичida ўнлаб шаҳарларда учинчи авлод таромогини ишга тушириб, яна бор бор ўзининг инновацияларда стакчилигини тасдиқлади, — дейди "Юнител" МЧЖ бош директори Андрей Сафронюк. — Миллионлаб кишилар сониясига 7,2 мегабитга етувчи 3G тезлигидаги мобил интэрнетга уландилар. Бу мамлакатимизни интэрнетлаштириш жараёнига кўшилган катта ҳиссасидир ва биз Ўзбекистон аҳолисига Мустақиллик куни арафасида бу каби сова қилганимиздан гурурланамиз».

Биринчи ярим иллик якунлари бўйича Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги юзлаб база станциялари курилиб, тармоқ сифими 20 фойзидан кўпроқ оширилган. Бундан ташкири, "Билайн" тармогининг қамров ҳудуди сезиларли равишда кенгайтирилган.

Фахрийлар хизматида

Косонсои фахрийлар сиҳатгоҳи мусаффи ҳавоси, кишини мафтун этивчи гўзлаб табиити билан кўтчиликнинг эътироғиға сазовор бўлган. Наманган вилоятининг Коносон соҳумани Олмазор қышлогида жойлаштан сиҳатпоҳ 170 ўринли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги тасарруфида. Унбу уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийисида туман педагогика ва сервис касб-хунар колле-

жининг ахборот-ресурс марказига қарашли шоҳобча Г.Дадабоева раҳбарлигига фаолият кўрсатиб келмокда.

— Ҳозирги кунда кутубхонамизда 2433га турли мавзудаги алабиёт мавжуд, — дейди Г.Дадабоева. — Филиалда китобхонлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Фарғона вилоятидан дам олгани келган Мансурхон Саломов, Наманган вилоятидан Нилуғар Исмоилова, Жиззах вилоятидан Камолхон Мирғаниев, Бухоро вилоятидан Фази-

лат Несматова, Андижон вилоятидан Матлуба Алимовалар ҳордиқ давомида 2-этадан бадий китоблар мутолаа қилишида. Сиҳатгоҳнинг Наргиза Қозоқова, Зуҳра Абдуллаева, Малика Аманбоеva сингари ходимлари фаол китобхонларимиздан.

Шоҳобча 20га яқин туман, вилоят ва республикада чоп этилаётган даврий нащрларга обуна бўлган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Мальум қилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва пошта алоқаси соҳасида бошқарув тиббати" тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 458-қарор билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"-нинг 49-бандига асосан:

"S-IQBOL" хусусий фирмасининг (Урганҷ ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларни хизматларини кўрсатиши (кабелии телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000555 рақамили лицен-

зиянинг амал қилиши 2011 йил 27 июлдан тутатилди; "ISTIQLOL-TV" масъулияти чекланган жамиятнинг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003157 рақамили лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 27 июлдан тутатилди ва мазкур лицензиянинг муддатига мос равишда телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиши ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб бериши тўғрисида қарор қабул қилинди.



Алоқачилар беллашуви

Пойтахтимиздаги Тошкент ахборот технологиялари коллектида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ўртасидаги мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишинган республика спартакиадасининг иккинчи босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизда жойлашган соҳа корхоналари вакиллари икки кун давомида баҳс олиб бордилар.

Иштирокчилар стол тениси, шахмат, шашка ва жорий йилдан бошлаб волейбол мусобақаларида куч синашилар.

Шахмат (аёллар)

“Ақл гимнастикаси” мусобақаларида “Ўзбекистон почтаси” жамоаси аъзоси Раҳшана Муҳамедовага тенг келадиган рақиб топилмади. Ўтган йили пойтахт босқичида голиб бўлган Татьяна Аззамова бу сафар иккинчи поғонани банд этди.

1-ўрин. Раҳшана Муҳамедова, “Ўзбекистон почтаси”.

2-ўрин. Татьяна Аззамова, “Бош коммутация маркази” (ТошГТС).

3-ўрин. Флора Ниязова, “Ўзбектелеком”.

Шахмат (эркаклар)

Эркаклар ўртасидаги баҳс ҳам мурасасиз кечди ва унда “Unicon.uz” вакили Отабек Ҳилалитдинов биринчи ўринни кўлга киритди.

1-ўрин. Отабек Ҳилалитдинов, “Unicon.uz”.

2-ўрин. Лочин Латипов, “Ўзбекистон почтаси”.

3-ўрин. Илҳом Омирзаков, “Алоқабанк”.

Рус шашкаси (аёллар)

Жамоадошларининг шахмат мусобақаларидаги муваффақиятини давом этишиб, рус шашкаси беллашувларида “Ўзбекистон почтаси” аъзоси Саодат Матчанова голиблика эриши.

1-ўрин. Саодат Матчанова, “Ўзбекистон почтаси”.

2-ўрин. Шоира Маҳаматова, ЎзТТБРМ.

3-ўрин. Муборак Ёрматова, “Халқаро почтамт”.

Рус шашкаси (эркаклар)

Мусобақа якуннида “Тошкент почтамт” вакили Исмоил Раҳимов биринчи ўринга кўтарилиди.

1-ўрин. Исмоил Раҳимов, “Тошкент почтамт”.

2-ўрин. Рустам Мусаев, “East Telecom”.

3-ўрин. Шерзод Камолов, “Ўзбектелеком”.

Стол тениси (аёллар)

Стол тениси пойтахт корхоналари ўртасидаги оммабоп ўйин ҳисобланади. Шу сабабли бу спорт тури бўйича баҳслар доим мурасасиз ўтиб келган. Бу йил ҳам анъана на тақорорланди.

1-ўрин. Раҳшана Муҳамедова, “Ўзбекистон почтаси”.

2-ўрин. Татьяна Аззамова, “Бош коммутация маркази” (ТошГТС).

3-ўрин. Флора Ниязова, “Ўзбектелеком”.

Шахмат (эркаклар)

Эркаклар ўртасидаги баҳс ҳам мурасасиз кечди ва унда “Unicon.uz” вакили Отабек Ҳилалитдинов биринчи ўринни кўлга киритди.

1-ўрин. Отабек Ҳилалитдинов, “Unicon.uz”.

2-ўрин. Лочин Латипов, “Ўзбекистон почтаси”.

3-ўрин. Илҳом Омирзаков, “Алоқабанк”.

Рус шашкаси (эркаклар)

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда соҳанинг кучли стол тенисчиларидан бири — Рамил Якубов бу сафар ҳам рақибларига имконият колдиради. Энди у ҳам бошқа спорт турларида биринчи ўринни олганлар қаторида спартакиададан республика босқичида пойтахт жамоаси шарафини химоя қиласа. Бобур Зайдобиддинов ҳал қўйувчи беллашувда полигаплик Давид Коречински устидан соф галабага эришиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

1-ўрин. Рамил Якубов, “Бош коммутация маркази”.

2-ўрин. Элёр Якубов, “Ўздунробита”.

3-ўрин. Лейла Сагитова, МАТБ.

Стол тениси (эркаклар)

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда соҳанинг кучли стол тенисчиларидан бири — Рамил Якубов бу сафар ҳам рақибларига имконият колдиради. Энди у ҳам бошқа спорт турларида биринчи ўринни олганлар қаторида спартакиададан республика босқичида пойтахт жамоаси шарафини химоя қиласа.

1-ўрин. Рамил Якубов, “Бош коммутация маркази”.

2-ўрин. Элёр Якубов, “Ўздунробита”.

3-ўрин. Олим Гафуров, “ЎзТТБРМ”.

Волейбол (аёллар ўртасида)

Бу йилги баҳсларда спартакиада дастурига илк бор аёллар ўртасидаги волейбол мусобақаси киритилди.

Спортнинг жамоавий турлари томошабоплиги ва муро-

сасиз курашларга бой бўлиши билан қизикарли. Мазкур спартакиада ўйинларида волейбол беллашувлари бу қоидани исботлади. Рақибларини бирма-бир енгиб келган “Бош коммутация маркази” ва “Алоқабанк” жамоалари финалга қадар етиб келишиди. Мурасасиз кечган баҳсада “Бош коммутация



маркази” вакилаларининг кўли баланд кели.

1 – “Бош коммутация маркази”.

2 – “Алоқабанк”.

3 – “Ўздунробита”.

Таъкидлаш лозимки, республика спартакиадасининг финал босқичида волейбол спорт турнирида бошқа турларидаги каби иккинчи босқичда голиб чиқсан жамоа аъзоларигина эмас, бошқа жамоалардан ҳам вакиллар жаҳб этилади. Яъни, мусобақада ўзини кўрсатган волейболчилардан терма жамоа ташкил этилади.

Спартакиада якуннада умумжамоа ҳисобида голибликни кўлга киритган жамоалар ҳам аниқланди.

Пойтахт кубоги бу сафар ҳам “Бош коммутация маркази”-да қоладиган бўлди. Ушбу корхонахда спорта алоҳидаги эътибор қаратилиши, мана нечанчи йилдирки, ўз исботини топиб келмоқда.

Умумжамоа ҳисобида

1 – “Бош коммутация маркази”.

2 – “АЛОҚАБАНК”.

3 – “UNICON.UZ”.

Голиб ва совориндорларга кубок, диплом ва совагларни Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев томпирди.

Қисқа сатрларда:



Жорий йилнинг 20-31 июл кунлари Қозогистоннинг Остона шаҳрида бокс бўйича 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Вакилларимиздан Алиёр Норалиев ва Ойбек Шарипов олтин, Исронил Мадрилов кумуш, Акбар Мелизиёев ва Улугбек Абдуқаюмовлар бронза медали соҳиблари бўлишиди.



Бразилияning Рио-де-Жанейро шаҳрида ЖЧ-2014 мусобақаси учун куръя ташлаш маросими бўлиб ўтди. Осмё қитъасида бешта гурух вакиллари ўз рақибларини билб олишиди. Унга кўра, терма жамоамиз Япония, Сурия ва Шимолий Корея терма жамоалари билан бирга “С” грухидан жой олди.



Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 8-11 август кунлари Киевда Валерий Лобановский хотирасига бағишиланган халқаро турнирда интирик этади. Олимпия терма жамоаси муррабийлар штаби Украина борадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатдан жами 20 нафар футболч жой олди. Куръя натижасига кўра, Вадим Абрамов шогирдлари мусобақани 9 август куни Сербия термасига қарши ўйин билан бошлайди.



Мўгулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида бодибилдинг бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамортимиз Антон Перов шоҳсупанинг энг юқори погонасига кўтарили.




Фарғонада хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро тенис турнирингин жуфтлик баҳсларида интидорли тенисчиларимиз Нигина Абдураимова ва Албина Ҳабибулина бош совринини кўлга киритди.



Руминия пойтахти Бухарест шаҳрида эркин, юон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг элликтан зиёд мамлакатидан спортчилар голиблик учун куч синашмоқда. Оғирлиги 60 килограммгача бўлган юон-рум курашчилари мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қиласа. Бобур Зайдобиддинов ҳал қўйувчи беллашувда полипалик Давид Коречински устидан соф галабага эришиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Фото-хабар



Украинада эркин кураш бўйича ўтказилган Киев халқаро турнирида ҳамортимиз, иккى карра Олимпия ўйинлари чемпиони Артур Таймазов олтин медални кўлга киритди. Энг енгил вазн тоифасида (55 кг) қатнашган Дишод Мансуров иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал билан тақдирланди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Республика ахборот-кутубхона маркази жамоаси Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази директорининг ўринbosari Зулфия Разахбердинева отаси

Собир РАЗАХБЕРДИЕВНИНГ

вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Радиоҷастоталар бўйича давлат комиссияси жамоаси фарҳий алоқачи

Майрам ХОЛМУРАТОВАнинг

вафоти эттаглиги муносабати билан мархуманинг оила аъзоларига чукур таъзия билдиради.

RIVOVAT

Форс ўлкасидан икки ўртоқ Чин мамлакати томони йўл олидилар. Бирис азалдан берилганига қаноат қиласди; иккинчиси эса ундан ортиқни тамаъ этарди. Улар қанчадан-қанча йўлларни босиб борараканлар, йўл бўйидаги оддий тош учраб қолди.

Унинг ярми ерга кирган, ярми ташқарида бўлиб, ташқаридағи қисмига ажойиб бир гап ёйиб ёзилган эди.

Ёзилган хатни улар ўқиши:
— Кимки
қийинчи-
ликка бардош
бериб, тошнинг орқа
томонини ағдарса, унда
бир афсона ёзилган. Ўша

афсонага кўра, шу атрофда бир вайронга бор. Вайронанинг тагида эса ажойиб бир хазина бор. Машаққатига чидаган ўша хазинага эга бўлуди. Кимки бу машаққатдан йироклик истаса, сабру қаноат ҳаммадан яхшироқдир.

Тамагир буни ўқига, бесаранжом бўлиб, тамагирлик томирлари қаттиқ ура бошлиди. Хазина ҳавасида тишлари фижирлаб, тошнинг тагини қазишга тушиб кетди. Қаноат қилувчи унини ба ишини кўриб, парво қилмасдан ўтиг кетди. У деди:

— Бу нақадар машаққатни меҳнат! Қаноат хазинаси менинг ҳамроҳимдир. Кимга Тангри ёхсон бермоқчи бўлса, тош ўз-ўзидан ёри-

либ, унинг остидаги ёхсон ўз эгасини топиши мумкин.

У йўлга тушиб, тонг оттунча юрди, эрталаб қараса, бир шаҳарнинг четига келиб қолибди. Шаҳарга кирадиган йўл кўп экан. Лекин у шу шаҳарга биринчи бўлиб кирди. У дарвозага яқинлашиб борганида, ҳар томондан одамлар чопиб кела бошлиди. Бу ер аҳолисининг расми бўйича, подшоҳ мангублик юртига сафар қилган бўлса

(ўлса), шаҳар халқидан буни сир тушишар экан. Саҳар вақтида ким шаҳарга олдин кирса, уни таҳта ўқазиб, бошига тож кийдириб, кўлига узук тақишиар экан. Ўша расм бўйича, уни ҳам давлат кишилари ва аскарлар мамлакат ва сипоҳ устидан подшоҳ қилиб кўтардилар.

Бошига машаққатни ортиб олган дўсти бўлса, бойлик ҳавасига берилиб, меҳнат билан ўз жонини роса қийнади, тошни бошқа томонига айлантириди. У ерда ёзилган хатта қараб, уни ўқиди:

“Ким хомтама бўлса, у дунёда доим азобда”, деб ёзилган экан.

Уни қаноат мамлакатта подшоҳ қилди; буни тамагирлик азоби хор-зор этди.

Ватанини сев, болагинам!

Мана, йиллар, ойлар ўтиб улгайбсан болагинам, Энди бўйинг бўйимга тенг, менинг касбим танладинг. Орзуларим боғидаги чечакинам, лолагинам, Сен бир савоб ишни дебсан, уни теран англагин!

Ватанинг кенг, бағри дунё, ҳунарли хор бўлмайди, Она еринг сен севмасанг бир гиёҳ ҳам бермайди. Танлаганинг тиббиётми, кимёгар, кулол, дехён, Сен касбингни севмасанг, сенга вафо қилимайди.

Рўмлчага гул чизиши, минг машаққат устиди, Инсон ёзган бир китобми, минг синоат ичида. Пилла курт ҳам меҳнатим дер шу олтин толагинам, Сен баркамол инсон ахир, касбинг сев болагинам.

Онанг сенга оқ нон берди, Ватанинг билим, зиё, Эркак сабри, саботини ўргатган боболаринг. Юртинг сотган номардларга сен сотгин қора гилам, Мард боболар авлодисан, касбинг сев болагинам.

Дунёда сен забт этмаган бир чўки ҳам қолмасин, Зеҳнинг етмай лол қолдирган тилсизлари бўлмасин. Қалби қайнок, ақли порлоқ, меҳри шалолагинам, Афлотун, Ибн Синолар сенга ёр болагинам.

Устоzlаринг меҳнатини кўз-кўз қилгин оламга, Ялтироқ тўнлар эмас, билим либос одамга. Иқтидоринг кулфини оч, тинглагин нолагинам, Ўзбегим авлодисан, Ватанини сев болагинам!

**Матлуба НАСРИДДИНОВА,
“ТШТТ” филиали ходими**

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Водил ва Марғилон почта алоқаси тармоқлари ходимлари Қобилжон НОСИРОВ ҳамда Расулжон МУЙДИНОВларни 55 ёшига тўлишлари муносабати билан чиг юракдан табриклийди. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар баҳту иқболини кўришиликни тилайди.

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси фаҳрий Валерий ОСМАНОВни 65 ёши билан салимий кутлайди. Унга соғ-омонлиқ, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришиликни тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали жамоаси филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Рахаббий ПОЛЯЗОВни ва Урганч шаҳар почтаси обуна оператори Мухабат МУСАБЕ-КОВАларни тутғилган кунлари билан қизгин муборакбод этиди. Уларга сиҳат-саломатлик, күш кайфият, узоқ умр тилайди.

Ханга



Бир айланиб бойвачча бўлиб олган ийтит қўлини синдириб олди.

— Гипс қўйишга тўғри келади, — деди врач.

— 50 сўмлик гипсга куни қолганлардан эмасман, — деди у. — Мармар қўяверинг, пулни тўлайман!

Бола дадасидан сўради:

— Сизга иккита саволим бор эди, майлими, сўрасам?

— Майли, гапир-чи?

— Биринчи: мактабга боришимда бугундан бошлаб сал кўпроқ пул берса оласизми?

— Иккинчиси: нима учун бера олмайсиз?

Қовун



• Табибларнинг султони Абу Али ибн Сино ўз асарида: “Қовун, хусусан, унинг уруги ва эти қон томирларни кенгайтиради, терини тозайди. Қовун уруги офтоб уришидан сақлайди, сепкил ва боши қазоғини йўқотади. Пишигани ёки сапча қовун ҳам сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Буйрак, сийдик қопчиғи, жигардаги тошларни йўқотади”, деб таъкидлаган эди.

• Ҳалқ табобатида дармони куриб қолган, камқон камалларга қовун ейши буорилади. Гепатит билан оғриган ва ичи қабзият бўлиб юрадиган одамларга у фойдалиди.

• Юзга сепкил, доф тушганида, хуснубзар тошганида кечаси ётиш олдидан юзга қалин қилиб эти қолдирилган қовун пўюғиғи бўлғаб кўйилади. Ургуларни эса янчиглан холда сувга яхши қоришири, сепкил ва хуснубзарларни кетказиши учун ишлатилиди. Буйрактош қасаллигига қовуннинг сувга қориширилган ана шундай уругини овқатдан олдин ярим стакандан кунига 2-3 маҳал ичилади.

• Қовун уругининг сути, шунингдек, қовун уругининг ўзи ва чала стиглан қовун шираси гижха ҳайдайдиган жуда яхши воситадир. Қовун таркибида клетчатка (хужайра) бўлиб, у ичакдаги фойдали микрофлоранинг ҳаёт фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. У организмидан холестеринни чиқаришига ёрдам беради ва овқат ҳазим қилиш жараёнини яхшилияди. Қовунда фолий кислотаси бўлиб, у склерозга қарши таъсир қиласди. Қовунни витамин ва глюкозанинг ҳақиқий чашмаси деса бўлади. Бу моддалар жигар, буйрак, юрак, ошқозон, ўтика ва бошқа аъзоларнинг ишини ривожлантиради, одамни тетикилаштиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош мұхаррір:
Абдусаид КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва аҳборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Вилоят мұхбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистанда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 224-91-56

Каршида 314-08-99

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИДДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шуҳрат СОДИҚОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош мұхаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятта келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилимайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланни мумкин. Нашримиздан кўчириб босилгандаги “Xabar”дан олингандилиги шарт.

Тижорий материал — ① Реклама матнларининг тўғрилтигига таҳририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳхӯяси, 8-йд.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. Е-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилид ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишига топширилди — 20.00.
Босишига топширилиш вақти — 20.00.